

# АДОЛАТ



**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»**  
**СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING**  
**ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ**

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ  
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 26 МАЙ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 21 (569) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru

## Ушбу сонда:

**МУҲИМ СИЁСІЙ ЖАРАЁН**

сайлов

**ЮГУРГАННИКИМИ, БУЮРГАННИКИ?**

таҳририятга хат келди

**ТИЗИМ ТАКОМИЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ**

микрокредитбанк

**СИЗ МУРОЖААТ КИЛДИНГИЗ**

хукук

**МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР**

психолог маслаҳати

**АЛЛЕРГИЯ — МАВСУМИЙ КАСАЛЛИК**

саломатлик

2

3

4

## «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига

Қадри дўстлар! Авваламбор, сизларни, сизлар орқали миллионлаб футбол мухлисларини бугунги кутлуг сана — «Пахтакор» жамоасининг ташкил этилганига 50 йил тулиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Пахтакор» деганда, биз ўзбек футболни тарихидан юксак урин олган, машҳур футбол юлдузларини ўз сафида мужассам этиб, ирода, қатъият ва маҳорати билан нуфузли халқаро мусобақаларда унутилмас галабаларни қўлга киритган кўпмиллатли, номдор спорт жамоасини тасаввур қиламиз.

«Пахтакор» деганда, нафақат футболимиз, балки мамлакатимиз тарихи билан ўзвий боғланиб кетган, марказда бўладими, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимизда бўладими — бутун халқимиз қалбидан алоҳида жой эгаллаб, унинг фахри ифтихорига айланган, юртдошларимиз хотирасида муқрраниб қолган машҳур футболчилар сиймоси кўз ўнгимизда давлаланади.

Айнан «Пахтакор» жамоаси ўзбек футболининг етакчи намоёниси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-минглаб ёшларимизга илҳомий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида туپ сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ярим асрлик тарихи давомида «Пахтакор» зафарли оғлар билан бирга, ҳаётнинг жиҳди синов ва машаққатларини ҳам бошидан кечиргани, айниқса, 1979 йилги авиаҳалокат натижасида ўзининг энг кучли таркибидан жудо бўлганини барчамиз ҳали-ҳануз изтироб билан ёдга оламиз. Ана шу навқирон спортчи ўғлонларимизнинг хотираси халқимиз қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда «Пахтакор» босиб ўтган мураккаб йўлни, бу жамоасининг нафақат Ўзбекистонда, балки мамлакатимиздан олисда жойлашган турли минтақа ва давлатларда ҳам тан олинганини, катта довруғ ва ҳурмат қозонганини эслар эканмиз, бизнинг энг муҳим вазифамиз — ўзбек футболни эришган ана шундай оғур-эбру-тибор ва нуфузга кўтариш, унинг шонли тарихини муносиб давом эттиришдан иборатдир.

Мустиқлик йилларида юртимизда спорт соҳасига давлат сиёсатидаги устувор йўналишни сифатида доимий эътибор берилганлиги туфайли миллий футболимизнинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилганлиги жамоатчилигимизга яхши маълум.

Миллион-миллион мухлислар, аввало ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жо-

зибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилиши юксалтириш, шак-шубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.

Шу нуқтани назардан қараганда, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бу борада нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳолат йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда кўзда тутилган асосий мақсадлар — футбол клубларининг моддий-техник ва молиявий базасини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш миллий футболимизни янги, замонавий босқинга кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Энг муҳими, бундай ёндашув нафақат «Пахтакор» клуби, балки жойларда фаолият қўрсатаётган барча клублар ишини яхшилашда ҳам асосий мезон бўлиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомиёлар, ҳаётини шу соҳага бағишлаган футбол фидоийларининг эзгу мақсад-муддосига айланишини истардим.

Шу борада биз янги-янги асосда ташкил этилаётган Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятига катта умид ва ишонч билан қарашга ҳақимиз.

Азиз дўстлар, биродарлар! Фурсатдан фойдаланиб, бугун 50 ёшини нishонаётган «Пахтакор» жамоасининг шаклланишига, унинг спорт оламида кенг шурхат қозонишига катта хисса қўшган футболчи ва мураббийларга, мутахассис ва ташкилотчиларга, муҳтарам фахрийларимизга барча футбол мухлислари номидан чўқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этишни ўзининг шарафли буюми, деб биламан.

Барчангизни бугунги кутлуг айём билан яна бир бор табриқлар эканман, сизлар «Пахтакор»дек мамлакатимиз спорт тарихида эркин саҳифа яратган машҳур ва севимли жамоанинг шаънини юксак даражада сақлаб, унинг доимо ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолиши учун билим ва тажриба, куч-гайрат, салоҳият ва маҳоратингизни янада яққол намоян этасиз, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

## «Сўнги кўнгироқ» — юксак орзулар садоси



25 май куни мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида сўнги кўнгироқ садалари янгради. Бу минг-минглаб ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, фидоий мураббийлар учун чинакам байрам тусини олди.

(Давоми 4-бетда.)

## Аскар уйига қайтди



Н. ХАЙДАРОВ олган сурат

Мақсад баркамол авлодни тарбиялаш

## Ҳаёт учун зарур йўланма

Музаффар АБДУШУКУРОВ, «Адолат» мухбири

Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган изчил исплохотлар замонавий, профессионал армияни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тизимдаги бундай саъй-ҳаракатлар замирида еш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш каби улкан мақсад мужассам.

Бугун ун саккиз ёшга кирган ҳар бир йигит ўзини аскарлар сафида қуришни орзу қилади. Чунки аскарлик — шарафли бурч, матонатли вазифа. Бир йил муддат ичида аскар ҳарб санъатининг сир-асрорларини ўрганади, жисмоний машқларда чиниқади, толанади. Маҳалла катталари, тенгулар ва падари бузуқворининг таъбири билан айтганда, қадди-қомати рост-

ланиб, елкалари кенгайган, билақлари чинор томиридай бақувват, қош қўзи ва юзларида ҳақиқий химоячи, баҳодирлик зоҳир бўлган йигитга ким ҳам ҳавас қилмайди. Бунинг устига хизмат қилиш учун ҳарбий қисм бўлиналарида барча шарт-шароитлар муҳайё: шинам ва ёруғ ётоқхоналар, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган ўқув хоналари, спорт майдончалари, машқлар майдони — полигон. Эй, нимасини айтасиз, мустақиллик шарофати билан муддатли ҳарбий хизмат қилиш жисмонан ва маънан камол топишининг ҳақиқий ҳаёт мактабига айланади. Бу мактабни битирганлар кўплаб имтиёزلарга эга бўлади, энг муҳими, ушбу мактаб ҳаёт учун зарур йўланма. Асосий мақсад эса баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда уларнинг интулектуал савиясини шакллантиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда.)

## Муносабат

## Халқ фаровонлигини кўзлаб

Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримовнинг ўтган ҳафта Навоий ва Бухоро вилоятларига қилган сафари чоғида айтган гаплари, билдирган мулоҳазалари бутун республикамиз аҳлига маъқул ва манзур бўлмоқда

Номоз САЪДУЛЛЕВ, журналист

«Тошкент шаҳрининг Яқсарой туманидаги Юнус Ражабий номи маҳалла гузарига икки маҳалладошимнинг ўзаро гурунгига қулоқ тутдим. Дарвоқе, олдин уларни таништириб ўтай: бири — Собиржон Хайдаров, врач, бири — Эркин Носиров, ўқитувчи. Ҳар иккиси ҳам «Адолат» СДП аъзолари.

— Президентимиз жойларда қилинаётган ишларни шахсан ўзлари бориб кузатишди, у ердagi одамлар билан мулоқот қилишди, кайфиятларини билишни хуш қўрадилар, — дея гап бошлади Собиржон ака. — Навоий ва Бухорода ҳам шундай бўлди. Шунча давлат ишлари, сиёсий тадбирлар, халқаро саммитлардан ортиб, вилоятларни ҳам айланганига, одамлар орасида бўлишга вақт топганига қўйиб қоламан. Ҳақиқий раҳбар, юрт фаровонлигини қўзлаган инсонга хос фазилат бу.

Навоийда диагностика марказига бориб врачлар билан гаплашганини телевидорда кўриб, тўлқинланиб кетдим. Президент билан қўл олишиб кўришган ҳамкасбларимга ҳавасим келди. — Қаранг, давлат раҳбари зиммасида нечуги жонини муаммолар ечими турган бўлсам, вилоятма-вилоят юриб, эл-улус омонлигини сўраётти, — сўхбатдошимнинг сўзини бўлди Эркин ака. — Мутахассислардан марказнинг ҳар бир синаотиғига сўраб, тиббиёт ходимларининг моддий-маънавий рағбат-ю ижтимоий муҳофазаси билан обдон қизиқдилар.

— Бухорода Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мажмуасига зиёратга борганини кўрдимми? — Юртбошимиз муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш ҳар ким учун

сабов, ўзини руҳан енгил сезади, деб қайта-қайта айтдилар. О-чи, шу гаплардан сўнг мен ҳам ўзимдан: «Қаерларга зиёратга борганман?» — деб сўраб кўрдим. Икки йилча бўпти, ҳеч ерга бормабман...

Уларнинг сўхбати узоқ давом этди. Гаплари асосида, яқинда (аниқроғи, шу йилнинг 4 май куни) маҳаллада бўлиб ўтган фуқаролар йиғини расиллиги ва унинг маслаҳатчилари сайло-

Гузардаги гурунглари

вида Миша ака (ун ҳамма шундай атайди, аслида Михаил Митрафанович Киктев) бу сафар ҳам қайта сайланганини маъқуллади ва ўзларининг партиядошлари эканликлари билан фахрланиб қўйгандек бўлишди.

— Муқобиллари ҳам зиёли, кўпни кўрган, маҳаллада обрў-эътиборли кишилар бўлди: Тошбек ака Жалолов, олим, иқтисодиёт универститетида доғла. Муминжон ака Йўлдошев — пенсионер бўлса-ям, чакқон, ишчан, бир пайтлар енгил саннат вазириликда раҳбар бўлган, ташаббускор одам.

— Тўғри, — тасдиқлади гурундоши. — Лекин Миша ака уч йилдан бери синамоли одам. Кўпчиликнинг дуосини олган. Уям, олим, фан номзоди, бурюги йилги Мустиқлик байрамида шахсан Ислон Каримовнинг ўзлари «Дўстлик» ордени билан тақдирлагандилар.

— Миша ака кечаги сайловда ун дастурини айтганда, тиббий хизмат ҳақидаги режаларига қўйиб қолдим, врачман-да, менга жуда маъқул тушди. Партиямиз фаолият дастурида нима айтилган фикрлар бўлса, ҳаммасини маҳаллага боғлаб гапирди:

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШНИНГ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайитириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва голвларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишининг хабардор қилиш тартиби ўрнатилсин, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

2. Қуйидагилар белгилансин: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади;

ариза — хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома беришга утадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини хатловдан ўтказсин ҳамда уни мустаҳкамлаш, жумладан, зарур хоналар, компьютер техникаси ва тегишли ахборот материаллари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2006 йилнинг 1 сентябрига қоралпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу

ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

рўйхатга олувчи органларда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистика кодлар келтирилган статистика классификаторлари мавжуд бўлишини таъминласин;

2006 йилнинг 1 сентябрига тадбиркорлик субъектларини томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатида айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни олиш сўровномаларини қабул қилиш ва қўриб чиқиш учун зарур моддий-техника базасини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгилаш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2006 йил 24 май

И.КАРИМОВ

## Партия кўзгуси

## Туманда фракция семинари

Музаффар ЖАҲОН

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент вилоят партия Кенгаши ҳамкорлигида Бўка туман маъмурий хизмат кўрсатиш коллежининг мажлислар залида «Фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда.)









# «Сўнги кўнғироқ» — юксак орзулар садоси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбир пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 97-мактабда ҳам қувончли ўтди. Унда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар уз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мўҳим дастуриламал бўлмоқда.



Истиқлол йилларида мактабларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, уларнинг моддий-техник базаси мустақамланиб бораётгани ана шу дастур доирасидаги кенг қўламли ишлар натижасидир. Ҳар йили мингмилинглар ўғил-қизларимиз мактабни муваффақиятли тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олмақда. Ўзбекистон Халқ таълими вазириликдан маълум қилишларича, бу йил юртимиздаги салкам ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг 9-синфини 626 минг нафардан зиёд, 11-синфини 266 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тугатди.

Жорий йилдаги «Сўнги кўнғироқ» билан боғлиқ тадбирлар юқори маънавий-маърифий савияда, ўзгача шукӯҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтди.

— Мактабимизда бир минг етти юз нафар ўқувчи тахсил олади, — дейди 97-мактаб директори Мукаррам Салимова. — Улардан оз нафардан зиёди тўққизинчи ва ўн биринчи синфларни тамомлади.

Мактабда юқори малакали, юксак билим ва салоҳиятли педагогик жамоа шаклланди. Ахборот ресурслари фаол ишлаб турибди. Таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар самарали жорий этилаётди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўқувчилар тарих, кимё, физика каби фан олимпиадаларининг шаҳар ва республика босқичларида яхши натижаларга эришмоқда. Шу боис мазкур илм даргоҳи «Йилнинг энг яхши мактаби — 2005» республика кўрик-танловида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Пойтахт вилоятининг Тошкент ту-

манидаги 9-мактабда ҳам сўнги кўнғироқ тантаналари кўтаринкилик билан ўтди.

— Ўн биринчи синфни аъло баҳоларга яқунлашман, — дейди Мадина Исмоилова. — Устозларимиздан билим олиш билан бирга катта меҳр-эътибор кўрдик, эзгулик ва хайрли ишлар сабогини олдик. Келгусида уларнинг ишончини оқлаб, муаллимларим каби моҳир педагог бўлиш орзусидаман.

Тадбирда буюк аждодларимиз, жаннатмонанд юртимиз, порлоқ истиқболимизни тараннум этувчи шеврлар, куй-қўшиқлар янгради.

Фидойи ўқувчи ва мураббийлар ўқувчиларига улкан ҳаёт сари оқ йўл тиладилар. Ёшлар кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга, халқимизга, барча устозларига миннатдорлик билдириб, она-Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшувчи муносиб инсон, малакали мутахассис бўлиб етишишга ваъда бердилар.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-мактабда бўлиб ўтган сўнги кўнғироқ байрамона тус олди. Тадбирда ота-оналар, туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларга келгуси ҳаётларида омадлар тилашди, она Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, дея ишонч билдиришди. Аълочи битирувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

## Ёшлар фестивали

С.ИСОМИДИНОВ

Китоб туманида ёшлар ва тантанаварлик фестивали бўлиб ўтди. «Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди!» шiori остида ўтказилган тадбирда китоблик ийигит-қизлар онаюртта бўлган юксак муваффақиятларини, Юртбошимизга садоқатларини намойиш қилишди. Дарҳақиқат, Истиқлол йулдан дадил одимлаётган ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Зеро, унинг мустақиллигини ҳимоя қилувчи фидойи ўғил-қизлари бор. Улар мустақил юртимиз тинчлиги, ободлиги, осмонимиз мусофоллигини истиқдидлар ва бу борада муҳтарам Юртбошимиз раҳнамоллигида олиб борилаётган бунёдкорлик сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар. Уйингоҳни тўлдириб ўтирган ёшларнинг нигоҳларидан ана шуларни ўқиб олиш мумкин эди.

Тадбир зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Болалар боғчалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларининг чиқишларини фестивал иштирокчилари оқибди. Фестивалда пойтахтимиздан ташриф буюрган танikli санъаткорлар — «Нихол» мукофоти совриндори Аҳдам Солиевнинг дилрабо куй-қўшиқлари, қўзиқчи Зокир Очилдиевнинг ичакўзди хангомалари ҳам барчага манзур бўлди.



## Спорт

Ғолиб 27 май кунни аниқланади

### Ўзбекистон ярим финалда

Боҳир БЕК

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида футбол бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатининг гуруҳ беллашувлари якулланди. Ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган терма жамоалар ярим финал йўлнамасини қўлга киритди.

«А» гуруҳидан қайси терма жамоа бош соврин учун курашни давом эттириши сўнги турда маълум бўлди. Унда гуруҳ фаворитлари — иккитадан учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари ўзаро куч синашди. Ярм финалга чиқиш илмингиде бўлган хитойликлар мусобақа мезбонига жиддий қаршилиқ кўрсатишди. Ҳамюртларимиз биринчи бўлимда рақиб дарвозасини атиги бир бор аниқ нишонга олди. Гол Умид Холматов ҳисобига эзилди.

Иккинчи бўлимда Хитой терма жамоаси Ксин Ли томонидан киритилган гол эвазига ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, Абдулла Бўриев кетма-кет икки маротаба рақиб жамоа дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўйинда бурилиш ясади. Шунингдек, Николай Одушев ҳам сўнги дақиқаларда гол уришга муваффақ бўлди. Кучли рақибни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз кейинги босқичга йўл олди.

«В» гуруҳидан ярм финалда иштирок этадиган жамоа номи ҳам сўнги учрашувда аниқ бўлди. Тожикистон терма жамоаси футболчилари японияликларга жид-

дий қаршилиқ кўрсатган бўлишса-да, галаба қозона олмадилар. Ҳужумга зўр берган Кунчикар юрт вакиллари рақиб жамоани 1:6 ҳисобида мағлуб этиб, гуруҳда биринчи ўринни эгаллади.

«С» гуруҳидан Қирғизистон, «D» гуруҳидан эса етти карра Осиё чемпиони Эрон терма жамоаси ярм финалга чиқди.



Бугун ўтказилаётган ярм финал учрашувда ҳамюртларимиз киргизистонликлар билан куч синашди. Иккинчи жуфтликда Япония ва Эрон футболчилари ўзаро беллашди. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 27 май кунни аниқланади.

Аёллар терма жамоаси кучли 20 таликдан жой олди

### Шахматчиларимиз пешқадам

Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилаётган жаҳон шахмат олимпиадасида юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

Уттиз еттинчи маротаба ташкил этилган мусобақанинг биринчи турида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Ямайка шахматчилари билан куч синашди. Дастлабки учрашувда юртимиз шарафини ҳимоя қилган гротмейстер Алексей Барсов рақиб Шайн Мэтьюз билан дуранг натижага қайд этган бўлса, Темуր Гареев Жомо Питерсонни, Антон Филиппов Варен Элиотни ҳамда Сайдали Йўлдошев Дуане Ровни мағлубиятга учратиб, терма жамоамизнинг 3,5:0,5 ҳисобида галабасини таъминлади.

Шахматчиларимиз иккинчи тур учрашувини италияликларга қарши ўтказди. Бу беллашувни ҳам Алексей Барсов дуранг билан бошлади. Лекин, ҳамюртларимиз қолган партияларни бирин-кетин ўз фойдасига ҳал қилди. Тему́р Гареев Пьерлужи Пископони, Сайдали Йўлдошев Касталдо Фолкони, Антон Филиппов Роберто Могранзинини мағлубиятга учратди.

Учинчи тур учрашувларини ҳам 3,5:0,5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Ўзбекистон эр-

каклар терма жамоаси Россия ва Хитой терма жамоалари билан бир хил — 10,5 тадан очко жамғариб, кучли учликдан жой эгаллаб турибди. Учтадан партияда зафар қўчган Тему́р Гареев ва Антон Филиппов шахсий кўрсаткичлар бўйича юз фоизлик натижа билан энг кучли шахматчилар сифатида қайд этилган.

Жаҳон шахмат олимпиадаси мамлакатимиз аёллар терма жамоаси учун ҳам муваффақиятли бошланди. Шахматчи қизларимиз биринчи турда Фижин вакиллари билан 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу беллашувда Ольга Собирова Кейран Ленсни, Юлдаз Ҳамроқуллова Глория Сухуни, Ирода Ҳамроқуллова Андреа Френтинани доғда қолдирди. Бироқ, иккинчи турда ўзбекистонлик шахматчи қизларга омад етишмади. Мусобақадаги энг кучли жамоалардан ҳисобланган польшалик шахматчиларга қарши донна сурган ҳамюртларимиз 0,5:2,5 ҳисобида имкониятни бой берди. Шахматчи қизларимиз учинчи турни Нигерия терма жамоасига қарши ўтказди. Маҳорат ва тажриба бобида рақибларидан устун бўлган шахматчиларимиз учрашувни 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Ҳозирча, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 6,5 очко билан кучли йигирматаликдан жой олган.

### Бали, Настя!

Франция пойтахти Париж шаҳрида энгил атлетика бўйича ўтказилган «А» сериясига кирувчи аънавий халқаро турнирда дунёнинг энг кучли спортчилари қаторида ҳамюртларимиз Анастасия Журавлёва ҳам муваффақият

ятли иштирок этди. Уч хатлаб сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва рекордчиси мусобақада 14 метр 12 сантиметр натижа кўрсатиб, шохсупанинг иккинчи погонасини эгаллади ва нуфузли турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани (Собик Ақмал Икромов)даги 236-ўрта мактаб томонидан Нормирзаева Шоира Рихсибоевнана 1989 йил 16 июнда берилган 232456-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## Психолог маслаҳати

### Меҳрсузлик наслдан наслга ўтиши мумкин

# Меҳр қолур, муҳаббат қолур

Феруза АКРАМОВА, психолог

Меҳр ҳақида, муҳаббат ҳақида жуда кўп гапиримиз. Ҳўш, меҳр нима, у аслида қандай туйғу? Меҳр шундай ҳис-туйғуки, у кишидан ортиқча ирода, сабр-чидам талаб қилмайди. Аммо меҳр кишини бахтли ёки бахтсиз қиладиган энг мўҳим мезон сифатида қарланади. Гўдаклик даврида оиланинг эътибори бола учун қанчалик зарур бўлса, кексайган инсон учун ҳам яқинларининг меҳри-муҳаббати шунчалик зарурдир.

Меҳрнинг ифодаланиш даражаси кўпинча тумта бўлади. Лекин бу ҳолат биологик ва ижтимоий омил билан ҳам белгиланади. Масалан, бир оилادا, бир хил шароитда тарбияланган болаларнинг меҳрни ифодалаш кўрсаткичлари турлича бўлиши мумкин. Шу билан бирга, етимликда, ота-она меҳрсуз ўсиш натижасида юзага келадиган бағришолликнинг ижтимоий омилга боғлиқлиги кўринадди.

Меҳрни ифодалай олиш кўпинча нафақат оиллага, балки ота-онанинг савияси, маълумоти ва миллий ҳусусиятига ҳам боғлиқ бўлади. Шу билан бирга меҳрсузлик наслдан наслга ўтиши мумкин. Боланинг қайси наслга кўпроқ тортганлиги, қайси уруғ кўпроқ доминантлик қилганлиги билан белгиланади.

Айрим ҳолларда меҳрни ифодаланишнинг ёшга боғлиқлиги ҳам кўзга ташланади. Масалан, мактабда ёшларда болаларда меҳрни қабул қилиш эҳтиёжи кучли бўлади. Бу даврда меҳрга тўямаслик бола характерида турли салбий асоратларни юзага чиқариши мумкин. Меҳрга бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда кучайиши катта ёшларда, баъзан 55-60 ёшларда ҳам яқол ифодаланишининг гувоҳи бўламан. Улар ўз фарзандларига бераолмаган меҳр-муҳаббатларини набираларига нисбатан ҳис этадилар.



Бу ўзларига нисбатан ҳам шундай меҳрни қутуш ҳолатига олиб келади. Шунинг учун кексаллик даврида одамлар собиқ иш жойидан, фарзандлари ва набираларидан моддий таъминотни эмас, диққат-эътиборни, меҳр-муҳаббатни қутушади.

Кўп ҳолларда меҳрсузликнинг салбий оқибатларини етарли даражада англаб етмаймиз. Негаки, айниқса эрхотин ўртасидаги меҳрсузлик оилавий бахтни тулик ҳис этмасликка сабаб бўлади. Бундай муҳитда вояга етган фарзандлар характерида эса асабийлашмиш, неврозлар юзага келади. Тарбиячи шахсидаги меҳрсузлик тарбияланувчида мустақил фикрлаш, ўз ўтиши мумкин. Боланинг қайси наслга кўпроқ тортганлиги, қайси уруғ кўпроқ доминантлик қилганлиги билан белгиланади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, меҳрлилик ва меҳрсузлик инсоннинг нафақат бошқа одамлар билан, балки ҳайвонот ва наботот оламига бўлган муносабатида ҳам акс этади. Умуман олганда, меҳр туфайли ҳар биримиз ўзимизни бошқа одамларга, табиатга кераклигимизни ҳис этаемиз. Француз олими П.Буаст ёзганидек: «Агар сиз ўзингизга абадий ҳайкал ўрнатмоқчи бўлсангиз, қалбингизни эзу китобга жо қилинг!».

## Газетхон илҳоми

### Онамни асрагин...

Яратган, ялиниб сўрайман сендан, Юрагим тилиниб сўрайман сендан, Минг бирга бўлиниб сўрайман сендан, Асрагин онамни, Онажонимни!

Муҳаббат исмингмас, жисмингдир сенинг, Фарилшам, покизам минг пора кўнглим. Қалдиргон сиёҳли қўрқ қўзга тенгим Асрагин онамни, Онажонимни!

Мажнунтол, онамнинг оёгини ўп, Шамоллар изини айлапай гаваф. Менимг узилмаган қарим жуда кўп, Асрагин онамни, Онажонимни!

Онам илдизлари дарёга етган, Чинордек, соясин бизларга тутган, Кўр бўлар, хор бўлар уни унутган, Асрагин чинорим — Онажонимни!

## Аллергия — мавсумий касаллик

Назозат УМАРОВА сўхбатлашди

Бугунги кунда атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида аҳоли ўртасида аллергия касаллиги билан оғриганларнинг сони ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Сўнги беш йиллик кузатув натижаларига кўра, Орбўлини худуди, хусусан, Нукусда бундай касалликлар сони олти маротаба ортиган. Илгари ҳар минг кишидан 36,5 нафари аллергиянинг турли кўринишлари билан оғриган бўлса, ҳозирда эса кўрсаткич 203,2 кишига етган. Ер юзи аҳолисининг эса 10 фоизи ана шу касалликка чалинган.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг «Аллергология» курси мудири, доцент Илҳом Юлдошевдан аллергия касаллиги ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Аллергия аллергиялар (кимёвий моддалар, микроблар ва уларнинг ҳаёти фаолиятида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, яъни озиқ-овқатлар) таъсирида организмнинг ўта сезир бўлишидир. Аллергик касалликларнинг турли кўринишлари мавсум жуд бронхит астма, полинозлар, эшакем, аллергик тумов, озиқ-овқат

аллергияси ва бошқалар. Лекин аллергия аслида ирсий касаллик ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу касалликка чалинган ота-онадан дунёга келган фарзандларнинг 60-80 фоизи аллергия оғриши мумкин.

Бугунги кунда ушбу касалликка чалинганлар кўпайиб боришининг сабаби сифатида ноқулай иқлим шароитини, экологиянинг бузилишини, турмушимизда кимёвий моддалардан фойдаланишимиз, техника, саноат тараққиётини кўрсатишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, аллергия — тараққиёт касаллиги. Шу сабаб ҳам бу касаллик билан оғриганларнинг энг кўпи ривожланган мамлакатлар, жумладан, АКШ ва Европада давлатларида кузатилапти. Статистик маълумотларга қараганда, Арманистон худудида 35-95, Озарбойжонда 40-90, Белорусда 36-92, Россияда 54-97, мамлакатимизда эса минг боладан 42,6 нафари аллергиянинг турли кўринишлари билан касалланганлиги аниқланган. Умуман олганда аллергияга чалинаётганларнинг аксариятини 35 жуд бронхит астма, полинозлар, эшакем, аллергик тумов, озиқ-овқат

хотин-қизларда учрайди. — Айтинг-чи, касалликнинг олддини олиш ва даволаш учун нимадан, бу касалликка чалинган ота-онадан дунёга келган фарзандларнинг 60-80 фоизи аллергия оғриши мумкин.

— Энг аввало, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш керак. Ана шундангина беморлар салбий оқибатлар юзага келмасдан шифокорга мурожаат этишади. Айниқса, ўзида ёки турмуш ўртоғида касаллик бор ҳомиладор аёллар ҳомиладорлик бошлангич давлариданоқ эътиборли бўлиши керак.

Чунки эътиборсизлик оқибатида бугунги кунда чақалоқларнинг 70 фоизи аллергик диатез (тер аллергияси) билан дунёга келяпти. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёллар шамоллашдан ва унга қарши турли дориларни қабул қилишдан ўзларини асрашлари керак. Қолаверса, овқатланишда ортиқча оқсиллар, поливитаминлар олиш ҳам она организмда сентилизация келтириб чиқаради. Бу ҳолда ўз-ўзидан аллергия касаллиги юзага келиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон ўзининг ва яқинларининг саломатлиги учун қайғуриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Самарқанд шаҳридаги «Жаҳон-жон» хусусий ишлаб чиқариш савдо тижорат фирмасига хоржий ишчи кучини жалб қилиш бўйича берилган №2820 Сам В рақамли бланка тартиб рақами №002793 бўлган рухсатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгазининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Таҳрир хайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунғўлат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14; Факс — 133-41-89; Котибият — 136-55-96; Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89; Хатлар бўлими — 136-55-64; Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39; Иқтисодий ва саноат бўлими — 136-54-39; Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр Тошназаров; Навбатчи — Музаффар Абдушукуров; Саҳифаловчи — Латиф Турсунов

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буортма Г — 700; Ҳажми — 4 босма табок, Офсет усулида босилган; Қоғоз бичими А-2; Адади — 1817

Нашр индекси — 100; Ҳафтаининг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20:00; Босишга топширилди —